

# ХАЛҚ СЎЗИ




1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг газетаси

16 ИЮЛЬ, ШАНБА № 140 (888).  
Сотувда эркин нархда. 1994 ЙИЛ

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



СУРАТДА: сессия пайти.

А. ЗУФАРОВ тасвири (УзА).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 9н бешинчи сессияси бўлди. Сессияда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Мустақиллигимиз эълон қилинганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида халқимиз ва давлатимиз тарихида гўл катта иқтисодий сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди, деди Президент. Миллий давлатчилигимизни, кўп асрлик маънавий меросимиз, тарихи маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизни қайта тиклаш борасида сезиларли қадимлар қўйилди. Қисқа қилиб айтганда, ўз тараққиёт йўлини аниқлаш борасида давлатимизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги пайоғам давлатларнинг иқтисодий эришган ютуқлари асосида белгиламоқдамиз. Жамиятимизнинг мутлақо янги асослари шаклланимоқда. Давлат бошқаруви, иқтисод қонунилари ўзгаришти. Хусусий мулкчилик асосланган, кўп укладли, дунё сари очилган бўлаётган. Жаҳондаги энг илғор таърихларга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига ҳос молли, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этиляпти.

Бундан биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз, деди Президент Ислам Каримов. Миллий давлатчилигимизнинг муомалага киритилиши хусусида тўхталиб, Сўми хусусидаги қирғинчи юзасидан чиқарилган Фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиғини шунданки, уларда серфарзанд оилалар, нафақахўрлар, қаровчисин йўқ қилларини иқтисодий ҳимоялаш кўзда тутилган. Қолаверса, миллий пулга эга бўлиш улкан саодат. Энди ҳамма гап ана шу саодатнинг қадрига етишда. Турри, пулинги қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин захираси билан таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар билан белгиладилар. Аммо унинг яна бир муҳим омил борки, бу ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг куч-қудрати, қадри баланд бўлиши йўлида Филдкорона меҳнат қилишимиз лозимлигини. Зеро, миллий пулимиз — миллий гуруримиз демократидир.

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, илмий ва маданий маркази, бошқача қилиб айтганда, унинг юрагидир. Шу сабабли, Тошкентдаги иқтисодий-сиёсий барқарорликни, ишларнинг аҳволига қараб бутун республика ҳақида худоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакат ҳам қудратли бўлади, тараққиёт йўлидан дадил олганга бораверади. Тошкентликлар ҳақиқий фидойи ватанпарвар ақалликларини доимо амалда исбот қилиб келганлар. Кўпгина ибратли ишлар, ташаббуслар, янгиликлар одатда пойтахтдан бошланади. Шаҳарликларнинг заҳматқаш қўллари билан зилзила вайроналари ўрнида қад кўтарган Тошкент афсоналардагидек ешариб ва яшнбо кетди, бутун кўрки, чиройи, мухташамлиги билан чинакам Шарқ дарвозасига айланди, деди Ислам Каримов. Сизларнинг заковатингиз билан санаотда, бошқа муҳим соҳаларда илму фан тараққиётини белгилаб берувчи замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Ниҳо ва адоватларга чек қўйиш, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини ва тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш каби савобли ишларга бошқиб бўлгани туғайли «Тошкент руҳи» деган тушунча туғилди ва бутун дунёга тарқалди. Бугун ҳам бу руҳ тивик. У тобора янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Тошкент шаҳри аҳамиятини талла ва эҳтижларига ҳаммаси катта аҳамият бериб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Масалан, шаҳар жамоат транспортига янги автобус, трамвай ва троллейбуслар сотиб олиш учун мунтазам равишда валюта маблағлари ажратилмоқда. Аҳоли учун уй-жой қуриш, шаҳар коммунал хўжалиги сарф-харажатларининг асосий қисми ҳам давлат бюджетидан ҳисобдан қопланапти.

Тошкент саноати — мамлакатимиз иқтисодийнинг таянч устунидан биридир. Агар унинг фаолиятида камчилик юз берса, бунинг оқибати бутун халқ

хўжалигида сезилади, дея таъкидлади Ислам Каримов. Шундай экан, пойтахт саноатининг барқарор ишлаши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини муттасил кўпайтириб бориш энг долзарб вазифадир. Кейинги йилларда шаҳар корхоналарида бирмунча иқтисодий сиғимлар рўй берди. Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Туркия, Хитой каби мамлакатлар ишбилармонлари билан қўшма корхоналар барпо этилиб, уларнинг кўпи ҳозир маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Лекин бу шаҳар саноатчиларининг ҳамма ишлари жойида экан, дегани эмас. Ачинарли жойи шунданки, шаҳардаги деярли барча корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча пасайди. Машинасозлик саноати мажмуи корхоналарида энг асосий маҳсулотлар — экскаватор ишлаб чиқариш 84,3, компрессорлар 57,2, пахта тершик машиналари 58,3, тракторлар 85,9 фоизга тушиб қолди.

Тошкент шаҳрида ҳозир 70 дан зиёд корхона зарар кўриб йишмоқда. Лекин шаҳар ҳокимлиги бу борада бирон-бир тасирли чора қўрмаётганини, амалий тақлиб киритмаётганини қандай баҳолаш керак? Транспорт ва алоқа хизмати ёмонлиги ҳам тошкентликларнинг ҳақини эътирофига сабаб бўляпти. Савдо шохобчаларида, бозорларда тартиб жуда секин

лик билан ўрнатилмаётган. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳам ниҳоятда суст амалга оширилмоқда. Шу ўринда яна бир марта раҳбарлик масъулияти ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади, деди Президент. Чунки иқтисоднинг қай даржада амалга ошириш раҳбарларнинг дунёқарашига, ҳалол ва пок, тadbirkor ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир. Раҳбарлик, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олиши зарур. Раҳбар деган ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар саодати ва юрт равақига йўлида елиб-юғурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Мазмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда яна ҳам қаттиқроқ ишлаши шарт. Шаҳарда жиноятнинг олдини олиш борасида янада кўпроқ иш қилинмоғи, коррупция, порахўрлик ва рокетга қарши бешафқат кураш олиб боришмоғи лозим. Бу борада Тошкент шаҳри бутун мамлакатга намуна бўлиши керак. Тошкент ақли азалдан меҳнатқаш, бир сўзи, оқибатли, бағри кенг, юрт ва миллат учун бутун борлиги

билан хизмат қилишга қаттиқ бел боғлаган фидойи инсонлардир. Ишончим комилки, улар йўл қўйилган сўст амалга оширилмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Фозилбеков бошқа ишга ўтгани муносабати билан шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президентини Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаб келатган Қозим Тулаганов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Собир Раҳимов тумани ҳокими Х. Абдураимов, Шайхонтоҳур тумани ҳокими А. Миржалилов, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи директори В. Карлов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Ш. Миралимов муҳокамга этилган масала юзасидан сўзга чиқдилар.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

Республика Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясига сўзлаган нутқининг тўла матни газеталарнинг навбатдаги сониде эълон қилинади.

[УзА].

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 15 июль кунин Германия Федератив Республикасида қарши «Сименс» компанияси президентини ва бошқарува раиси доктор Х. Фон Пирерни қабул қилди.

Ислам Каримов мамлакатимизнинг тобора кенгайиб бораётган таъсир доирасини янада кенгайтиришга қарши «Сименс» компаниясининг таъкидлади. Бу ҳаракат келгусида республиканинг иқтисодий ва сиёсий амалотида ҳисса қўшади, дея ишонч билдирди.

Тетишли муассасаларда ҳукуматингиз вакиллари билан бўлиб ўтган мазмули ва самарадор музокара учун, Президент жаноблари, миннатдорликнинг қабул этилган, дея меҳмон сўхбат пировадиде.

Мулоқот чоғида Тошкент шаҳрида «Германия иқтисодий уйи» барпо этиш мақсадида мувофиқ экани ва турлилик муассаса Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий муносабатларни раванқиға муносиб ҳисса қўшади қайд этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Хамидов ҳамда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фақуллода ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этди.

Х. Фон Пирер Ўзбекистон ҳукуматининг мавжуд таъхирани модернизациялаш йўлидаги

(УзА).

## Ўзбекистон валюта биржасида

Кеча Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида навбатдаги савдо бўлди. Унда АҚШ долларини сўмга алмаштириш қиймати аниқланди. Савдода хорижий валюта операция қилиш ҳуқуқиға эга бўлган беш банки вакиллари иштирок этди.

Сотилган валютанинг умумий миқдори 1100 миңга АҚШ долларини ташкил этди. 1 АҚШ доллари 11 сўмга тенг деб белгиланди. Бошқа валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати шу валюталарнинг АҚШ долларига нисбатига қараб белгиланди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Марназир банки маълум қилдики, 1994 йил 16 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгиланган:

1 Австралия доллари	8,08
1 Австрия шиллинги	1,01
1 Англия фунт стерлинги	17,21
10 Бельгия франки	3,46
1 Голландия гульдени	6,36
10 Греция драхми	0,47
1 Дания кронаси	1,82
1 АҚШ доллари	11,00
1 Миср фунти	3,26
1 Ирландия фунти	17,02
1 Исландия кронаси	0,16
1 Испания песети	0,87
100 Италия лираси	0,72
1 Канада доллари	7,97
1 Қуват динори	37,16
1 Ливан фунти	0,66
1 Германия маркиси	7,13
1 Норвегия кронаси	1,63
10 Португалия эскудоси	0,69
1 Сингапур доллари	7,27
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркиси	2,15
1 Франция франки	2,08
1 Швейцария кронаси	1,44
1 Швейцария франки	8,46
1 ЭҶКО	13,63
10 Япония иенаси	1,12
1000 Россия рубли	5,44
1000 Эстония кронаси	0,88
1000 Украина карбованеци	0,56
1 Латвия лати	19,96
1 Литва лити	2,75
1 Қозғистон тенгеси	0,25
1 Молдова леи	2,72
1000 Беларусь рубли	0,40

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚУВАЙТ: ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Мамлакатимизнинг Россия Федерациясиданги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси ва Қуват Давлати ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилиши ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

Икки мамлакат вақиллари ҳужжатни имзолаш маросимида Ўзбекистон ва Қуват давлатлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ф. ПАРПНЕВ (УзА).

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

14 июль кунин Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпаниясида Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария конфедерацияси ўртасида мунтазам самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисида битим имзоланди. Маросимда бу муҳим ҳужжат ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга, сайёҳликни ривожлантиришга катта имкониятлар яратилиши таъкидланди. Битимни Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпанияси бош директори Ғ. Раҳимов ҳамда Швейцария конфедерациясининг республикарида битим имзоланди ва мухтор элчиси П. Випфли имзоладилар.

(УзА).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

К. Н. ТУЛАГАНОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ: Қозим Носирович Тулаганов Тошкент шаҳри ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 15 июль.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

К. Н. ТУЛАГАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРНИБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қозим Носирович Тулаганов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 15 июль.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

К. ФОЗИЛБЕКОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ: Аҳмадбек Иброҳимович Фозилбеков бошқа ишга ўтгани муносабати билан Тошкент шаҳри ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 15 июль.



### ЕМАҒАН СОМСАГА ПУЛ...

Эмина ГАЛИМОВА, Ал-Хоразий мавзеси, Тошкент шаҳри:

— Бизнинг Гулистон маҳалламиздаги 7, 2, 3, 6, 9, 5-уйларга радиотармоқ ўрнатилган. Бироқ улар ишламайди. Шаҳар радиотармоғи бошлиғига учрашсак, «Радиовезелини назорат қилувчи электрик йўқ», деб жавоб беришди. Радиотармоқ учун пул тўлашимиз, бу емаган сомсага пул тўлашдек гап-ку!

### БЕТОВЛИК УЧУН... ЖАЗО

М. РҲЗНЕВА, Бухоро вилояти, Когон тумани «Уз-

### БЕКСТОН ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ:

— Шу йил апрель ойида бетеб бўлиб касалхонага тушдим. Натيجада пилла кўрти олимнинг имкони бўлмади. Бироқ касаллик бизга қимматга тушди: пудрат асосида ишлаётган 2,5 гектардаги пахта, 7 гектар буғдой эканган еримизни тортиб олишди, пилла кўртини ололмаганимиз боис. Икки ярим ойдири, маош ҳам беришмапти.

### ЧЕЛАҚДА ТАШИВЕРИБ ТИНКАЛАР ҚУРИДИ

М. ДЕҲҚОНОВ, Олтинкул тумани, Сафаробод қишлоғи:

— Қишлоғимиз одамлари ичимлик сувидан бебаҳра десам, ишонаверинг, Баъзи кўчаларда сув қувурлари умуман йўқ. Янқам-дунқам ўрнатилган артезианлардан қишлоқ болалар челақда сув ташийе-

### НА ГУГУРТ БОР, НА УН...

Ҳасан РАСУЛОВ, Юнусобод тумани:

— Тумандаги 75-озиқ-овқат дўконидан на гугурт, на ун, на шакар ва бошқа зарур нарсани ўз вақтида оласиз. Гўшт ва ёғ келган кунлар қандайдир кишилар сотувчилар билан тил бириктиришда-да, маҳсулотнинг маълум қисмини туя қилишди...

### СОВУНСИЗ ҚОЛДИК

А. ОТАЖОНОВ, Чортоқ шаҳри:

— Ўтган йилнинг сўнги уч ойида чортоқликлар совун олиш баҳтига муяссар бўлишмади. Февралда бўлса дастурхонлари шакар кўрмади. Қолган ойлар учун эса мезёрдан 300 грамм кам шакар берилди. Ҳозир июль ойи келатгани-ю, биз июнь учун шакар кутаямиз.

### БИР КҮН ЕРУҒДА, УЧ КҮН ҚОРҒУНДА

Қ. ИСМОИЛОВ, Зағота тумани, «Туркистон» жамоа хўжалиги:

— Бизни анчадан буён «шиқим» чироқларнинг нағмаси қийнаб келаяпти. Бир кун ёруғ бўлса, уч кун қорғунда ўтираемиз. Сабаби—тоқнинг бўлмаслиги. Ток бўлмагач, на телефон ишлайди ва на сув келади.

### ФОНДАСИ БУЛМАЯПТИ

А. Раҳмонов, Юнусобод тумани:

— Туманининг Юнусобод маҳалласи, Дўстмухамедов проездига туртинчи ой келаяпти, сув йўқ. «Водонал» ташкилотига қўнғироқ қилдик, фойдасиз. Сув бўлмаса, ...тасаввур қилаверинг. Агар аҳвол шу тахлит кетарса, саратоннинг жазирани иссиқда сувсизликка чидаганлар қаторида биз—200 ота-она ва фарзандларимиз Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олишимиз табиий.

«Халқ сўзи» муҳбири Мавжуда ТОҶИВОЙ қиз эсим олди.

ЯРМАРКАЛАР ТЎКИНЧИЛИК КЕЛТИРЯПТИ

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг савб-ҳарака- тлари билан Тошкент шаҳрининг ҳамма туманлари- да мева-сабзавот ярмаркалари ташкил этилди.

Биз, яккасаройликлар ухоро вилояти меҳнат-чилларининг туманимиз қилини учун шундай савдо асталарини ташкил этган-ликларидан беҳад қувон-дик. Биринчидан, ярмарка чун кенг, кўркам, ҳамма-роп жой таялган. Бобур а Усмон Носир кўчалари есишган жойдаги енгил аноат ходимлари мадания- т саройи борида ташкил қилган расталарда Бухо-ро тупроғида еттиштирил-ган табиат инъомлари — йилма, ўрик, олхўри, шаф-оли, сабзи, пива, картоп-ка, қарам, саримсоққий, овоқ, қовун, тарвуз, тур-ни хил тузаломалар ва кон-ерна маҳсулотлари, шун-ингдек минг дарда даво салу парҳез тухумлар, инги сўйилган мол ва қўй ўшталари сотилапти. Нар-нинг арзонлигини айт-айсизми: тўшт — 15—20

ризми, бу йил ёз иссиқ келиб, мева-чева мўл, рос-мана пишқичлик йилга бўлди. Шу маҳсулотларни исроф қилмай, уринтирмай, шаҳарликларга етказасак, бир томони савоб ҳам була-ди. Бухоролик меҳнаткаш дўстларимиз, Бухоро ви-лояти агросаноат уюш-маси, вилоят мева-сабза-вот саноати бирлашмаси, вилоят матлубот жамия-ти, вилоят фюнтайёрлов-савдо бирлашмалари хо-димларига бизни саҳий ёз ноз-неъматлари билан сийлаганлари учун бутун яккасаройликлар номидан миннатдорчилик изҳор эта-миз, топганлари ҳалол бўл-син, Аллоҳ баракасини берсин. Ишончимиз комилки, бу тадбирлар миллий ихти-оримиз бўлган валютимиз-нинг қадрини оширади, бо-зорлардаги нарх-навоми барқарорлаштиради.

Имом ҚУРБОНОВ, Яккасарой тумани «Бош-лиқ» маҳалла оқсоқоли.



Жалолқудуқ тумани таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасида водийда биринчи бўлиб аккумуляторларни қайта таъмирлаш цехи ишга туширилгач, унинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошди.

Жалолқудуқ тумани таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасида водийда биринчи бўлиб аккумуляторларни қайта таъмирлаш цехи ишга туширилгач, унинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошди. Айни кунда ҳар ойда 200 тагача аккумулятор қайта йиғила-пти. Буюртмалар кундан-кунга ортмоқда. Қўшни ви-лоят ҳамда Қирғизистондан ҳам буюртмачилар келаётир. Буни ҳисобга олган корхона маъму-рияти цех қувватини ошириш ва ҳар ойда таъмирлана-ётган аккумуляторлар сонини 300 тага етказишни мўл-жаллашмоқда.

СУРАТЛАРДА: моҳир ишчи Акбарали Ҳайдаров; аккумуляторларни таъмирлаш цехининг ишчиси Бах-тиёр Каттаҳужаев; корхонада, шунингдек, турли темир-чилик буюмлари ҳам ишлаб чиқарилапти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚҮЛ олган суратлар.



Тоҳиржон ҲАМРОҚҮЛ олган суратлар.

Муштарий муаммо қўяди 80 Ёшли ОТАХОН ТАҲОРАТ ОЛОЛМАЙ, НЕГА ЙИҚИЛИБ ТУШДИ?

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИ ҲАМДА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА

Ота-боболаримиз савоб бўлсин, деб масжиди мадрас-алар, хонақоҳлар, мақ-баралар қуришган, йўл чи-қаришган, сув келтиришган, боғ-роғлар, дарахтзорлар барпо этишган. Қуръони Каримда бир неча бор на-кир этилган «Савоб» де-ган калима ҳаммаини қал-бига ўрнашиб кетган, умум-инсоний олийжаноб хислат-га айланиб, асрлар давоми-да кундалик ҳаётнинг акралмас қисми бўлиб кел-ган.

«Савоб» деган муқаддас сўз қалбларимиздан тобора кучуқ жой олмақда. Аф-суски, ҳали орамизда са-воб нималигини билмай, одамларнинг дилини ран-житаётган муассаса, таш-килотлар ҳам учраб туриб-ди.

Шу йил 5 март кунини кечкурун муқаддас умра сафарига жўнаш учун авто-бусларда Тошкент аэропор-тига етиб келдик. Самолёт тонгда учар экан. Шу са-бабли тайёрағоҳда бир неча соат туриб қолганимизга тўғри келди. (Рўза ойи бўл-гани учун машиналарда инфторлик қилдик). Орамиз-да руш қатнашчилари, қар-иялар бор эди. Таҳорат олиш учун олти киши бир-галлашиб аэропорт биноси ичидаги ҳожатхонага бор-дик. Атрофи тўсиқ; таъмир қилинаётган экан.

Чолларни етаклаб (ўзим ҳам етмишга яқинлашган-ман), ифчаннинг нарғи бе-тида анча йўл юрдик. Ик-кита ўрта ёшли аёл, ҳар бир киши учун 200 сўм купондан берисалар, деди. Орамизда ёшроқ йигит 1200 сўм-купон уаэти. Улар эса ҳеч қандай чипта бермай, пулни чўнтакка уришди.



Халқ истеъмолчи маҳсулотлари

НАЖОТ ПОЕЗДИ ЯНА САФАРДА

«Экосан» саломатлик поезди ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу ўтган қисқа вақт даво-мида у республикамизнинг қатор вилоятларида бўлиб, экологик оғир минтақаларда, чўл ҳудудларида, олис тоғ овулларида истиқомат қилаётган аҳоли соғлиғи-ни тиклаш борасида муҳим тадбирларни амалга оширди.

Яқинда мазкур поезд пой-тахтимизнинг Шимолий вок-залидан навбатдаги сафар-га йўл олди. Бу галги йў-налиш Сирдарё ва Жиззах вилоятларига қаратилган бўлиб, у 12 кун давом эта-ди. Шу муносабат билан «Экосан» жамғармасида бўлиб ўтган матбуот кон-ференциясида жамғарма президенти, профессор Юсуф Шодиметов саломат-лик поездининг олдда турган вазифа ва юмуш-лар, унинг ўзига хос жи-ҳатлари ҳақида мухбирлар-га батафсил сўзлаб берди.

«Экосан» саломатлик поезди сафарига медицина-нинг турли соҳалари бў-йича қирқча яқин таниқ-ли олимлар иштирок эти-шади. — деди у киши. — Олтига вагондан иборат бўлган эшелон олти кун Сирдарёда ва олти кун Жиззахда бўлиб, чўл ҳу-дудларида яшайётган одам-ларга тиббий хизмат кўр-сатади. Сафар қатнашчи-ларининг биринчи галдаги вазифаси — ҳозирги жази-рамали кунларда юқумли касалликлар ва, айниқса, холера хасталигининг ол-дини олишга қаратилган-дир. Шунингдек, мазкур вилоятлардаги сув ҳавзаларининг экологик, санита-рия ҳолатларини текшири-шди, болалар касалликла-ри ва унинг оқибатларида содир бўладиган бевақт ўлимларни камайтириш бў-йича профилактик тадбир-ларни амалга оширишди. Бу ишларда уларга жой-лардаги тиббиётчилар Ер-дам беришади. Бундан ташқари, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида дала шийонлари, овуллар, узоқ тоғ қишлоқлари ва чўпон оялларидан омма-вий ташвиқот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Жамғарма президенти-нинг таъйинлашчи, сало-матлик поезди бекатларга бориб тўхтагач, врачлар

автобусларда туманларнинг олис гўшаларига йўл оли-шиб, бевосита ўша жой-ларнинг ўзида тиббий хизматни ташкил этишади. Кўрми пайтида аниқланган оғир касалларнинг кўпчи-лигининг даволаш учун Тошкентга келишларига моҳий шароитлари моне-лик қилиши турган гап. Ма-саланинг ана шу жиҳати ҳам ҳисобга олиниб, жам-ғармининг ёрдами билан йўлланма нарҳининг 50 фоизини қасаба уюшмаси тўлаши кўзда тутилган. Хасталикка чалинган айрим оналар ва болалар турли санаторий ва профилакто-рийларга юборилди. Поезд етиб боргач, вилоятларда «Экология ва саломатлик» ҳафталиги ўтказилиши ҳам режалаштирилгандир.

Юқоридаги мақсадлар учун «Экосан» жамғармаси ҳисобидан бир вагон хай-рий ёрдами олиб кетил-моқда. Булар — турли до-ри-дармонлар, бир марта-лик шприцлар, болалар озиқ-овқатлари ва камҳарж оилаларга қўмақ сифатида улашладиган кийим-кечак-лардир. Ғафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

Акс-садо

ОҒУГА АЙЛАНАЁТГАН БОЗОР ДОРИЛАРИДАН ҚУТИЛАДИГАН БЎЛДИК!

Маълумки, шу йил 14 июлда Ўзбекистон Республика-си Президентининг «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони чиқ-қанди. Дори-дармон сотишда қатъий тартиб ўрнатишга йўналиштирилган ушбу ҳужжат аҳоли соғлиғини тиклаш учун ташлаган яна бир катта қадам бўлганини «Халқ сўзи»га келаятган ўнлаб мактублар жиқоқ тасдиқлайди.

— Эшитдингизми, қўшни-мизнинг келини бозордан дори сотиб олиб, гўдагига укол қилдирган экан, бир аумда оламдан ўтибди. Аф-тидан, ясама дориға ўхшай-ди.

— Бозордан олинган дори-рини асло ишлатмаслик ке-рак. Ваъзи пуд деса ўзини томдан ташлайдиган ноин-софлар эсиби ё қалбаки до-риларни алдаб-сулдаб соти-шаверади. Биронинг ўлга-ни билан уларнинг иши йўқ. Бу тўғрида яқинда газетада ҳам ёзиб чиқинибди...

Эинидаги ғуридада гал-лашиб кетаётган инки аёл-ларнинг эшитиб, теша сочим тик бўлиб кетди. Бонси, ин-ки неварам шифохонада да-воланаётганди, уларга ке-ракли дориларни ўғлим до-рихоналардан тона олмай юр-ганди-да! Автобуслар туш-дим, тўппа-тўғри кутубхо-нага бордим. «Халқ сўзи» газетаси таҳламинини ва-рақлаб, «Дорифуруш-лар» сарлавҳали мақола-ни ва ушбу материал тўғ-рисида газетхоналардан кел-ган хатлар асосида тайёр-ланган филм-мулоҳазаларни ўқиб чиндим. Ҳақимдан, ҳай-рондан қолдим. Наҳотки, ўзи-мизда каттагина дори-дармон тайёрлаш заводи бўлсан, до-рихоналар бўи-бун турса? Завод тайёрлаётган дори-лар қаёққа кетяпти, ўзи? Хо-ридан келтириляётган до-

ИНГЛИЗЛАР ПАХТА ЕТИШТИРАДИ

Ёзёвон туманида инглизлар пахта етиштирадиган бўлди. Бунинг учун 100 гектар май-дон ажратилди. Бу ерда Бу-юк Британиянинг «А. Мер-едит жонс» компанияси юқо-ри ҳосил етиштиришда лазер нуридан фойдаланиш бора-сида тажриба ўтказди.

Узаг мухбири.

Advertisement for 'Негпроминвест' (Негпроминвест) featuring a logo with a stylized 'N' and 'P' and the text 'молиявий инвестицион компанияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайд қилинганини маълум қилади. Гувоҳнома: 29.06.94 й. N 78. Компания манзили: Ўзбекистон Республикаси, 700078, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 5. Тел.: (3712) 39-40-98, 39-41-76. Факс: (3712) 39-10-66. Телекс: 116136 КОКОН.

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ, Ўзбекистонда хизмат кўр-сатган маданият ходими, ёзувчи.



БОСНИЯ МОЖАРОСИНИ ҲАЛ ЭТИШГА БАҒИШЛАНДИ

ЖЕНЕВА. АҚШ, Россия ва Европа Иттифоқи давлатлари ташқи ишлар вазирларининг бу ерда бўлиб ўтган учрашуви Бос-ния можаросини ҳал этишга ба-ғишланди.

Мухолиф томонлар ярашмагунларигача француз ҳарбийлари бу ҳудуддан чиқиб кет-майди, деди Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюппе учрашув низоҳосида журналист-лар билан суҳбатда.

Маълумки, Франция ҳарбийлари БМТнинг Босниядаги четланган ҳарбий кучлари катта қисмини ташкил этади.

МАСАЛАНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ МУҲОКАМА ЭТИЛАДИ

ЯҚИН кунлар ичида Қоҳирада Фаластин—Исроил музокара-ри бошланади.

Унда Исроилнинг Газо сектори ва Йордан дарёсининг гарбий қирғоғида Фаластин мух-ториятини ташкил этиш билан боғлиқ маса-ланинг иккинчи босқичи муҳокама қилинади.

КУЧЛИ ЕНҒИН

НЬЮ-ЙОРК. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабарига кўра, Аме-рика Қўшма Штатларининг Нью-Мексико штатидаги ўрмонда куч-ли ёнғин юз берди.

Ёнғинни ўчиришга сафарбар этилган вер-толет ичидаги 4 нафар ўт ўчирувчи билан ҳалокатга учради. Ўт ўчирувчиларнинг икки нафари ва бир учувчи ҳалок бўлди. Ўтган ҳафтада Колорадо штатида рўй берган ёнғин-да 14 нафар ўт ўчирувчи ҳалок бўлган эди.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД

СЕУЛ. Корея Республикасида-ги сийсатчилар яқинда вафот эт-ган КХДР давлат раҳбари Ким Ир Сеннинг ўрнига унинг ўғли — Корея Меҳнат партияси Мар-казий Комитети Бош котиби Ким Чен Ир Президент бўлади, деб тахмин қилмоқда.

Кунини неча Пхеньян радиоси ҳам Ким Чен Ир номига Президент лавозинини қўшиб маълумот берган. Ренхал ахборот маҳкама-сининг хабарига кўра, Корея Меҳнат партия-си Марказий Комитетининг навбатдан ташқари пленуми унинг номзодини қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор чиқарган. Янги Президент тайин-лангани ҳақидаги расмий хабар 17 июль ку-ни, Ким Ир Сен дафн этилганидан сўнг эъ-лон қилиниши кутилмоқда.

ҲАРБИЙ МАҚСАДЛАРГА КАТТА МАБЛАҒ

ПЕКИН. Хитой ҳарбий мақсад-ларга АҚШдан сўнг энг кўп маб-лаг ажратаётган давлатдир.

Лондон стратегик тадқиқотлар халқаро ин-ституту мутахассисларнинг ҳисоб-китобиға кўра, Хитой Ўтган йили мудофаа учун, расмий маълумотларга таъкидланганидек, 7,3 миллиард эмас, балки 43 миллиард доллар сарфлаган.

СПИД ХАВФ СОЛМОҚДА

ДЕҲЛИ. 1996 йилга бориб Ҳиндистонда СПИД касаллига ча-линганлар сони 1,7 миллион на-фарга етиши тахмин қилинмоқда.

Дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маъ-лумотиға қараганда, бу вақтга келиб ушбу касаллик вирусини ташйетган ҳиндлар сони 2 миллиондан ошиб кетар экан.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ПРАГА. Миср Араб Республи-каси Президенти Ҳусни Муборак-нинг Чехияга олий даражадаги ташрифи ниҳоясига етди.

Ташриф давомида икки давлат раҳбарла-ри ўзаро ҳамкорлик муносабатларини кенгай-тириш билан боғлиқ масалаларни, жумладан Мисрнинг Чехиядан ҳарбий қурол-аслаҳалар сотиб олиш ҳақидаги таклифини ҳам муҳо-кама қилдилар.

Ҳусни Муборак Мисрнинг ҳарбий қурол-аслаҳалар сотиб олиш нияти мамлакат му-дофаа қудратини мустаҳкамлашга йўналти-рилганини таъкидлаб, қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда Чехия жаҳон мамлакатлари ичида етакчи ўрнини эгаллаши-и билан ҳамкорликка ундаганини эътироф этди.

МАҚСАД — ТИНЧЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ

БЕЛГРАД. Буюк Британия ва Франция ташқи ишлар вазирлари Дуглас Хэрд ҳамда Ален Жюппе Сербия Президенти Слободан Ми-лошевич билан музокаралар ўт-казди.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг ха-бар беришича, учрашувда мусулмон-Хорва-тия Федерацияси ва Босния серблари ўртаси-да муносабатларни яхшилаш, тинчлик ва дўстликка асосланган алоқаларни ривожлан-тириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр-лашилган. Буюк Британия ва Франция тинч-лиқни қарор топтириш учун ҳар қандай ёр-дамга тайёр экани билдирилган.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЕРДАМИ

ЛУАНДА. Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти умумжаҳон озиқ-овқат дастурига асосан Ангола-нинг қўллаб-қувватлаш инсон-парварлик ёрдами кўрсатишмоқда.

БМТ томонидан келтирилган озиқ-овқатлар урушида жабр кўрган аҳолига тарқатилишини Ангола ҳукуматининг махсус комиссияси қатъий назорат қилиб турибди. Бироқ Анго-ланинг муҳолифатдаги кучлари эгаллаб тур-ган районларга озиқ-овқат ва дори-дармонлар етказишнинг иложи бўлмапти. Натиклада Ан-голадаги омборларда БМТнинг бу районларга мўлжалланган 40 минг тонна озиқ-овқат маҳ-сулотлари тўпланиб қолди, деб хабар беради Ангола ахборот маҳкамаси.

ОЖ

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 18 VII

УТВ I
17.55 Кўрсатув тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

Чоршанба, 20 VII

УТВ I
6.30 - 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Сешанба, 19 VII

УТВ I
6.30 - 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Пайшанба, 21 VII

УТВ I
6.30 - 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Шанба, 23 VII

УТВ I
6.30 - 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Жума, 22 VII

УТВ I
6.30 - 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

УТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

УТВ III

18.00 "Тиз пайт".

УТВ IV

18.00 "Тиз пайт".

УТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

УТВ III

18.00 "Тиз пайт".

УТВ IV

18.00 "Тиз пайт".

УТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

УТВ III

18.00 "Тиз пайт".

УТВ IV

18.00 "Тиз пайт".

World Cup USA 94

Футбол



Уч карра жаҳон чемпионлари - финалда

ЭРТАГА ЛОС-АНЖЕЛОС ШАҲРИДА XV ҲАҲОН ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ФИНАЛ УЙИНИ УТҚАЗИЛАДИ

13 июлда Лос-Анжелос ва Нью-Йорк шаҳарларида бўлган Италия - Болгария, Бразилия - Швеция учрашувидан сўнг XV жаҳон чемпионати ярим финал ўйинлари ҳам якуни касалди. Дастлабки ўйини мағлубият билан бошлаган, Германия сингари бир қатор жаҳонга доғи чиққан терма жамоалари доғда қолдирган болгариялик футболчилари Италия терма жамоаси чемпионатнинг ярим финал ўйинида «тўхтаб» қўлди. Учрашувнинг 21 ва 26-дақиқаларида 1993 йилнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган Роберто Баджо «шафқатсизларча» Борислав Михайлов қўриқ-дайтган дарвозаси икки бор ишғол қилиб, тўплари ҳисобини бештага етказди. Биринчи бўлимининг тугашига сановли дақиқалар қолганда Христо Стоичков орадаги ҳисоби қисқартирди, ammo иккинчи бўлимда дарвозадар дахлсиз қолди.

Биринчилик бошланғичда уч ой олдин Салдаб терма жамоа мурабийлигини дан ҳайдади. Унинг ўрнини Марио Загало эгаллади. Терма жамоа таркиби ҳам Пеле билан бир қаторда Эверильдо Клодальдо, Герсон, Ривелино, Жаирзиньо ва 23 ёшли «оқ Пеле» деб ном олган Тостаю Каби янги ўйинчилар ҳисобига тўлган. Унда Бразилия терма жамоаси Чехословакия, Англия ва Руминия футболчилари билан бир гуруҳда тушиб қолган эди. Ва ҳар учала терма жамоани (чехословакия 4:1, англияликларни 1:0, руминияликларни 3:2) ҳам «ер тилатишди». 1/4 финал босқичида Пелу терма жамоасини 4:2, ярим финал ўйинида Уругвай футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бразилияликларни финалда италиялик футболчилар қутқарди. Ўйин Мексиканинг машҳур «Атлетико» ўйингоҳида бўлган эди. Дунёнинг ишларини қаранг, орадан 24 йил ўтди, ана бу икки жамоа финалда орани очиб қилиш учун майдонга тушди. Ушунда ҳар икки терма жамоа ҳам икки мартадан жаҳон чем...



Матч Лос-Анжелос - Нью-Йорк

Шуни айтиш керакки, чемпионатнинг 1/4 финалдаги Болгария - Германия учрашувидан сўнг болгариялик ярим ҳимоячи Йордан Лечковнинг Германиядаги «қадри» «Гамбург» жамоасида ўйнаш ёки уйнамаслиги номаълум бўлиб қолди. Чунки Й. Лечков немислар билан бўлган ўйинда ҳал қилувчи иккинчи тўпни киритиб, германиялик ашаддий муҳлисларнинг «эътибори»га тушган эди. Шунинг учун аламзада бўлган маҳаллий аҳолининг кўп қисми Лечковни «тузини еб тузиди»га тулганда «аблаб» мамлакатга киргизмаслик ва у ўйнаётган «Гамбург» жамоасидан қайтмасликни талаб қилди. Бу сафар аса...

қиятини эса бразилиялик муҳлислар роппа-роса 28 йил сабрлик билан кутиб турган эди. Ушунда мамлакат бош вазир Сантьяго да Тортега олди кишиларга га - кулларида гуллар билан ўз жамоаларини қутқарганини... Бразилиядаги барча корхоналар тўхтаб, байрам ёллон қилинганлиги-ю, кўчаларда оммавий сайлар бошланди, муҳлислар қувончдан кўз ёшларини тийолмаганлигини олдинги шарҳларимиздан айтиб эдик. У пайтларда жаҳоннинг асосий таркибин Диди, Гарринча, Вава, Загало ва Пеле икки бор машҳур футболчилар ташкил қилди. Орадан тўрт йил ўтди, яъни 1982 йилда Сантьягода ўтказилган чемпионатда ҳам худди шу (Пеле бундан мустасна) таркибда кетма-кет чемпионатлар шохсупасига кўтарилган эдилар. 1970 йилги чемпионат Америка иттифоқида ўтказилганлиги боисидан, бразилиялик футболчилар яна чемпионликка бўлган «ҳаракатлар»ни бошлаб юбордилар.

КЎЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Хориждан келтирилган илақ газламалар, шунингдек, машҳур "SHAMIN" фирмасида тайёрланган эркак ва аёллар туфлилари!!! Сотиб олсангиз фойда қиласиз: Турли-туман рангда ва фактурада; Тулов хоҳлаган турда, улгуржи ва чакана усулда бўлиши мумкин. Мол Тошкентдаги омордан сотилади. Манзилми: Тошкент, Пушкин кўчаси, 66, 20-хона. (Х. Олимжон) метро бекати) Телефон: (3712) 68-06-30, 33-48-97, 68-07-13. Факс: (3712) 68-06-30.

"Маданият" илмий-ишлаб чиқариш савдо-маданий маркази Тошкентдаги омордан аравачали "Урал" мототехникларини, хорижда ишлаб чиқарилган эркак ва аёллар туфлиларини, ҳар хил газламаларни, "Полюс", "ОРСК-416" марказида музлаткичларни, "Чайка" тикув машиналарини ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмол молларини сотади. Маълумот учун телефонлар: 45-47-45; 45-49-52; 45-85-56. Манзилми: Тошкент, Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси, 1, "Халқлар дўстлиги" метро бекати.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий суди жамоалари Сурхондарё вилояти ҳокимияти Адлия бошқармаси бошлиғи Худойер Муҳаммадиева онаси АНХОЛ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

Ўзбекистон Давлат телекомпанияси республика телевидениеси ва «Ўзбек-телефильм» студияси иккунчи жамоалари Ўзбекистонда кизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Қ. Ҳанимовларга оталари, Ўзбекистонда кизмат кўрсатган артист Рузан ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.


«Ўзбентуризм» Миллий компанияси жамоаси девон расмий маросимлар қилди ва чет эл туристик фирмаларни акредитациялаш бўлими бошлиғи Алишера Шамсиева волидан мухта рамаси Раъно ТОШМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент молия институт жамоаси институт ректори муовини, профессор Фатхулло Каримова онаси Хикматияла КАРИМОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Ўзбекистон давлат муас сасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаб уюшмаси маркази кўмитаси Хоразм вилояти касаб уюшмасининг раиси О. Жалолова онаси Отабек ЖАЛОЛОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институт жамоаси институтнинг информатика ва техника востилари кафедраси ўқитувчиси Раъшан Ибрагимова падари бузруквори Исмоилжон ИВРАГИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзқурилишматериаллари» концерни жамоаси Ўзбекистон урмалари-томёнгич аёллар комбинати бош муҳандиси Фулом ОМОНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онаси ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этди.



Тошкентнинг Юнусобод тарафда жойлашган шокўчанинг кўйи қисмида тарихимиз, бугунимиз ва келажакимиз бир нуқтада кесилгандек туюлади, менинг назаримда. Агар тарих Амр Темур сиймосида гавдаланса (кўча ана шу улус Бобокалонимиз номи билан аталади), Марказий Осиёда энг баланд ҳисобланмиш (375 метр) салобатли телеминора бугунимиз рамзидир (Уни, мана уч йилдирки, кўкрагига истиқлол шабадаси тегиб, қаддини тик тутганча, Сайёрамиз сарҳадлари узра шаждам қадамлар ташлаётган ўзбекча қисблага келаверади).

ҳукуматининг кучли ижтимоий сиёсати росаям шодланганди. Сизларда маънавий қадриятларни тиклаш, миллий гуруҳ ҳиссини кучайтириш, аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Жаноб Каримовнинг Тошкентда теннис турнирини уюштириш ҳақидаги таклифи худ-

ни айтди. Генрих Дашевский билан «Динамо»га йўл олди. Стадион эса... профессионал теннисчилар мусобақасини ўтказишга ҳали тайёр эмасди. Калсберг бошини чайқаб қўйди... Сўнг уни «Ўзбекистон»нинг спорт комплексига олиб бордик. У эса... қурилиш майдони бир неча қурувчидан «Иборат» эди, холос. Калсберг тағин

ёки бошқача айтганда, ёшу қари биргалишиб, ҳар қандай қурилишни тезда битириб қўйишди...»

Хуллас, охири у уюшмага ижобий ҳисобот қўлади. Дарвоқе, турнир арасида жаноб Калсберг яна Тошкентга келди. Уни «Юнусобод» спорт комплексига олиб бордик. «Кўзларимга ишонмайман, Ўзбекистонда энг баланди» — деди у ҳаяжонини яширмай. Уюшма вакили, шунингдек, «Президент кубоги» турнирини ҳам юқори баҳолади.

— Сизнингча, бу турнир ўзбек теннис учун нималар беради?

— Тан олин керак, катта теннис Ўзбекистонда у қадар тараққий этмаган. Турнир туфайли спортнинг ана шу соҳаси кенг оммага танилди.

Мен нега ишонч билан шундай дейман? Хабарингиз бор, асосий беллашувдан олдин, Тошкент ва Самарқандда «Буюк ипак йўли» деб номланган сателлит турнирлар

шайтан бошқа теннисчиларининг ҳам потенциал имкониятлари иштирокини фаоллаштириш зарур. Мана, масалан, Тошкент турнирининг аксарият хорижий қатнашчилари мусобақалар тугаши биланоқ Франция, Голландия каби мамлакатларда ўтказила бошланган мусобақаларга учиб кетишди.

Ҳозирча ўзбекистонлик ва умуман Марказий осийлик профессионал теннисчилар ҳамма вақт ҳам бундай имкониятга эга эмаслар. Транспорт, меҳмонхона харажати дегандек... Аммо бунинг бошқа йўли бор: шу минтақанинг ўзида қатор халқаро турнирлар ташкил этиши. Ана шунда уларнинг маҳорати мудом «чархланиб» туради.

Ҳозир юртингизнинг қатор шаҳарларида ёш ўйинчилар учун махсус теннис синфлари очилган. Бу ердаги дарсларни нафақат сизларнинг тренерларингиз (Ўзбекистонда Генрих Дашевскийга ўхшаш юқори малакали тренерлар ҳам, машғулотлар ўтказиш учун базалар ҳам етарли), балки чет

ишбилармонлар турнир давомида ресторандарда, «бир пиёла чай» устида кўп соҳалар юзасидан очик суҳбатлашиб, ўзаро фикр алмашиб ва охири-охирида шартномалар тузиш имкониятларига эга бўлишди...

Профессионал теннис турнирлари доимо мамлакатларнинг жаҳондаги нуфузини оширишга хизмат қилади. Мен шунини баралла айта оламанки, «Президент кубоги» ҳам ушбу шарафли вазифани бажаришда катта аҳамият касб этади. Биринчидан, турнирда аккредитация қилинган ўнлаб хорижий журналист кинотасвирчилар нафақат турнир, балки Ўзбекистон, Тошкент, юртингизда олиб борилаётган ёзу ишлар ҳақида батафсил ёзишади. Боз устига, турнирнинг хорижий иштирокчилари ҳам нафақат ўз ҳамкасбларино, дўст-қариндошлари, балки улардан интервью олишга келган мухбирларга ҳам юртингиз ҳақида ҳикоя қилиб беришлари аниқ. Эсингиздами, жаноб Исло Каримов турнир голиби Чак Адамсга бош совринни топширгач, АҚШлик бу спортчининг ҳаяжонга тўлиб айтган сўзлари: «Мен Ўзбекистонни, Тошкентни юрагимдан севиб қолдим ва бу гўзал шаҳарга ана, албатта, келаман!»

Турнир дастури бўйича Тошкентда дунё ишбилармонларининг аниқлиги ҳам бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Қўплай давлатлардан ташриф бузоришган ўнлаб машҳур ишбилармонлар (улар машҳур АҚШнинг собиқ Президенти Ричард Никсоннинг унаси ҳам бор эди) Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан, ўзбек бозорининг ўзига хос жиҳатлари билан имкони борича танишишди. Бу эса, табиийки, юртингиздаги ишбилармонлик харақати ривожига янада ривож қўшади.

Худо хоҳласа, эндиги беллашувларни об-ҳаво энг қулай пайт, айтайлик, эрта кузда ўтказиш учун рухсат олишни мўлжаллаялмиз. Ана ушунда, сўзсиз, унинг иштирокчилари савиясию сони, соврин жамғармаси ҳажми ҳам анча юқори бўлади.

— Демак, «Президент кубоги» турнири аънавий бўлиб қоларканда?

— Ҳа. Тошкентда ана шу турнирнинг идораси очилган. Унда бизнинг фирмамиз, яъни Швейцариядан ва Ўзбекистондан вакиллар иш олиб боришапти.

Бу йил сателлит турнирлари икки шахар — Тошкент ва Самарқандда ўтказилган бўлса, эндиги йил уларнинг ёнига тағин иккинчи шахар қўшилиди. Бундан ташқари, қозғонистонликлар ҳам ана шундай беллашув ўтказиш истagini билдиришди. Хуллас, биринчи Тошкент халқаро турнири бутун Марказий Осиё минтақасида катта тенниснинг гуриқари янаша учун ташланган биринчи ва қўтлуг қадам бўлди!

— Ўзингиз теннис ўйнайсизми?

— Шанба-яқшанба кунлари укам, ўғилларим билан, албатта, кортга тушамиз. Қолаверса, бу — биз, ота-болаларнинг учрашиб туришимиз учун ягона имконият. Чунки ҳаммамиз иш билан жуда бандмиз. Умуман, спорт туфайли болаларим соғлом, энг асосий эса беъмани ҳою-ҳавас ва одатлардан холи ўсишати.

— Айтишларича, сиз турнирда катта маблаг сарфлабиз ва ўрин қопламатми. Ачинайсизми?

— Шу йил ёзда менинг ҳаётимда энг яхши кунлар бўлди. Турнирнинг очилиши ва ёпилиш маросимларида Исло Каримовдек давлат арбоби мени ҳурматлаб, «Сасов ака» дея мурожаат этгани қалбимни шу қадар ларзага солдики! Қилган ишингизга нисбатан бундай иззат-ҳурматни ҳеч қандай пулга сотиб олиб бўлмайди. Шунингдек, мен мамлакатингиздаги кўпгина таниқли кишилар билан танишганидан ҳам бахтиёрман.

— Ўзбекистонликларга қандай талақларингиз бор?

— Улар ақил-инок бўлишлари ва Президент Каримовга у киши бошлаган ислохотни амалга оширишда доимо яқиндан ёрдам беришларини тилайман. Мен Ўзбекистоннинг келажакга улуг бўлишига ишонаман!

Анвар ЖҲАБОВЕВ.


Сассон КАКШУРИ:

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» АНЪАНАВИЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»



ди шу ёзуғу ниятнинг бир қирраси эди. Президентингиз унинг жамияти учун нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини теран кўра билгани мени лол қолдирди ва юртбошининг бу режасини амалга ошириш учун қўлимдан келгунча уриндим.

Ҳаваскорлар турнирини уюштириш анча осон. Аммо профессионалларники... Бунинг учун,




бошини чайқаб, ён дафтарида алланасаларни қайд эта бошлади. Мен у нималар деб ёзаётганини ички бир туйғу билан англаганим. Ногоҳон мендан сўради: «Қурилиш қачон тугайди деб ўйлайсиз?». «1994 йилнинг баҳорида». «Демак, уч-тўрт ойдан сўнг?!» — яна бошини чайқайди у. Бизни ё жинни ёки хаёларарат деб ўйлаган бўлса, ажабмас. Кейин вакил турнирга келадиган теннисчилар қаерда яшаси билан қизди. Уни ҳиндистонликлар қуришган меҳмонхонага олиб бордик. Лекин бу ерда ҳам ҳали қилинадиган ишлар миқдори жуда кўп эди ва у яна бошини чайқайди... Хуллас, шундай бир вазият юзага келдики, рухсатнома «қулоғини ушлаб кетиши» ҳеч гапмасди. Шунинг учун ҳам охири «имконият»ни ишга солдим: Калсбергга Кремль кубоги қандай бошланганини эслатдим.

Юқорда айтиб ўтганимдек, уюшма вакиллари Москва билан танишиб чиқишгач, шароитдан у қадар қониқиб ҳосил қилишмай.

Ўтказилувди. Улар катта теннисни тарғибот қилишга анча ҳисса қўшди. Аммо «Юнусобод»да ўтган мусобақалар, яна таъкидлаيمان, теннисни халққа тағин-да чуқурроқ таништиришда беҳисс аҳамият касб этди. Аввало, бу ерда барча вилоятларининг ҳокимлари келишди ва улар спортнинг бу жозибадор турини жойларда ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар яратмақларини айтишди.

Очиги, дастлабки кунлар беллашувга қанча томошабин келаркан, икки мингдан зиёд одам синадиган бош кортдаги жойлар тўлармикан, деб ҳавотир ҳам бўлудим. Аммо ҳаво иссиқ бўлса, ўриндиқлар лиқ тўлди: болалар, ёшу қарилар, эркак аёлларга... 4 июнда жўфтлик-финал ўйинлари кечаси иккигача давом этишга қарамай, бирортаям одам жойидан жилмади. Қўплай нозиктаб мухлисларни қуришган хорижий теннисчилар уларнинг интизомий ўйинчиларга бўлган ҳурмат эътиборларига қойил қолишди.

Шунингдек, «Президент кубоги» турнири ўзбекистонлик бир гуруҳ



турнир ўтказиш учун иккилана-иккилана рухсат беришганди. «Жаноб Калсберг, — дедим унга, — мана ўзингиз кўрдингиз, бу ердаги вазият Москвадаги ўша турнирроқ ҳолатидан буткул бошқача. Ҳаёт барқарор ва оёқсизли, ўзбеклар бир-бирларига меҳр-оқибатли, уларда яна бир шундай хислат бор: ҳашар уюштириш

ёш йигитларга катта спорт сарфини қўллар очди. Огородов, Томашевич, Ганневлар профессионал теннисчилар уюшмасининг рейтинг варақасида заҳёт очколарига эга бўлишди. Шуням атайки, Огородов сўнгги тўрт ой мобайнида жаҳондаги 900-ўриндан 300-ўринга «сақради!» Ҳали унинг ҳам, энди «бўй кўрсатиб» кели-

дастлаб, профессионал теннисчилар уюшмасининг рухсатномаси зарур, бу эса жуда қийин, чунки дунёдаги кўпгина мамлакатлар ана шундай беллашувлар ўтказишни хоҳлайди, бироқ рухсат олиш ҳаммасига ҳам насиб этавермайди. Сабаби, жаҳонда юқори маҳоратли ўйинчилар саноқли, турнирлар сони эса анчагина ва уюшма ўз ўйинчилари толиқиб қолмасликларини учун рухсатнома беришни ченлаб қўйган.

Виласизми, Кремль кубоги учун лицензия олиш ҳам анча қийин кечувди. Бизнинг командамиз дурустгина меҳнат қилди ва эндиликда бу турнирнинг жаҳонда ўзига яраша ўрни бор. Балки шу боис ҳам Тошкент турнирига буюртма берганимизда уюшмадагилар раъйимизни қайтаришмади. Аммо қондага биноан улар рухсатнома беришдан олдин шароит билан танишиш мақсадида бош қароргоҳдан (у Флоридада, АҚШда жойлашган) Томас Калсберни вакил этиб юборишди. Биз Тошкентга бира учиб келдик. Ўтган йилнинг қишида. Бу менинг ҳаётимда энг оғир сафар бўлди.

— Нега?

— Э, бу бир галати «тарих». Келган кунимизок жаноб Калсберг стадионни кўриш истаги борлиги

Халқ сўзи. НАРОДНОЕ СЛОВО. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Йилдек: 64608.

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲАБОВЕВ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул нотиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул нотиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Мўхаммадjon ҚОРАБОВЕВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир: И. Утбосаров, навбатчи: М. Холматова.